




М. Егоров ва М. Кантария Берлинда рейхстаг устига ўрнатилган Галаба байроғи. А. Морозов фотоси. ТАСС фотохроникаси.



МОСКВА, 1945 йил 24 июнь. Суратда: Қизил жай-дондаги Галаба парадида совет жангчилари немис-фашист байроқларини ташламоқдалар. ТАСС фотохроникаси.

УНИТИЛМАС ДАҚИҚАЛАР

БАЙРОҚ ТИКИЛГАН КУН

Ҳар кун телевидение Галабанинг 40 йиллиги-га бағишлаб уруш лавҳа-рини кўрсатар экан, бош-ламаса албон байроқ ял-ал ҳиллашади. Бу — 150-ўнчи дивизия байроғидир. Бу дивизия жангчиларига фашист-лар уйс Берлинга биринчи бўлиб кириш насиб этган эди. Махшур кўмондонлар-дан бири генерал Шатилов командир бўлган ана шу дивизия жангчилари ўз ҳа-ётларини шон-шараф билан чулғаганлар. Уларнинг сафи-да турли миллат вакиллари қатори ўзбек йигити Ғулом Султонов ҳам бўлган эди.

Бундан бир неча йил му-қаддам генерал Шатилов Тошкентда таширф буюрга-нида рейхстагга жанг қил-ган ана шу қахрамонни ҳам қидириб топиб унинг жа-сорати ҳақида ҳамшаҳар-ларимизга сўзлаб берди. Ге-нерал билан бирга учрашув-га Султоновнинг дивизио-ни Мухаммад Егоров ҳам ке-лган эди.

Смоленский колхозчи М. Егоров рейхстагга Галаба байроғини қадаган икки Со-вет Иттифоқи Қахрамони-нинг бири (иккинчиси — гру-зияли дурадгор Мелитон Кантария эди). Меҳмон шун-дай хикоя қилиб берганди:

—Рейхстаг ҳайбатли, ба-лақ бую экан. Капитан Сте-пан Неустров командирлик қилган бизнинг батальонимиз кундузи рейхстагга ёриб ки-риб бую ичиде қақшатчи

жанглар олиб борар эди. Биз бурама тош зинадан жадал юқорига кўтарилдик. Кейин томга чиқдик. Снарядлар портлаб, рейхстаг гўмбазини оловда ёнар, ойналар чар-силлаб кетарди. Олдимида бирдан бир неча снаряд порт-лади. Ҳайрият, бизга оско-лар тегмади. Уроғлик бай-роқнинг эса бир неча жойига сачраб кетди. Гўмбазга бир неча метр қолганда пу-лемётдан ўт очиб қолдик. Ўт тизмадан настрокдан ўтиб кетди.

—Яраландинми? — сў-ради Кантария ҳаяжон бил-ан. —Йўқ, шимкинми йиртиб-ди, холос. Ниҳоят, гўмбаз устига чи-қиб олдик. Вақтин бой бер-май снарядлар портлаши, ўқ-лар визиллаб учиб туришига қарамай қадимизни рост-лаб тик девордан юқорилаб борардик. Рейхстаг гўмбазининг энг тешигига етиб кел-дик. Байроқ қадашга мос жойин тимирсиллаб топиб, байроқни ёй бошладик. Кан-тария байроқ дастасини те-мир тўсига камар билан боғлаб маҳкамлади. Ёйил-шабада байроқ тўғиларини ёйиб, елкадек ҳиллаштира бошладик. Томдан тушиб ко-мандиримиз Неустровга жангловар тошпиря бажарил-ганлиги ҳақида рапорт бер-дик.

Бу —унитилмас, ҳаяжонли воқеа 1945 йил 30 апрелда бўлган эди.

С. МУСАЕВ.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

(Боши 1-бетда)
таъминлаш, боддорчилик ширкатлари ҳамда полици-га коллективлари аэзола-рига транспорт, савдо ва мансий хизматини таъмин-ди. Шу билан бир вақтда боддорчилик ширкатлари фаолиятининг белгиланган тартибга қатъий риоя этиш ҳамда улардан дачалар ку-риш, юлгичлик ва бойлик орттириш учун фойдалани-лишига йўл қўймаслик зару-рулигига эътибор жалб қи-линди.

М. С. Горбачев ва А. А. Громико ўртоқларининг Ко-рея Меҳнат партияси Мар-казий Комитети Сиёсий бю-росининг аъзоси, Корея Халқ Демократия Респуб-ликаси Маъмурий Кенгаши бош министрининг ўринбо-сари, ташқи ишлар минис-три Ким Ён Нам билан ўт-казган суҳбатлари тўғриси-даги ахбороти муҳокама қилинди. Сиёсий бюро бу-либ ўтган фикрлашулар ик-ки томонлама муносабатлар-ни янада мустаҳкамлашга, Корея ярим оролида, Осиё ва бутун дунёда тинчлик ҳамда ҳафсизлик манфаат-ларини қўллаб СССР билан КХДР ўртасидаги ҳамкор-лиқни қучқурлаштиришга хиз-мат қилаётганини қайд этиб ўтди. АҚШнинг Осиё—Тинч океан регионидеги милита-ристлик сиёсати, Вашинг-тон — Токио — Сеул ҳар-бий-сиёсий блокти тузилишига, Ғарб давлатларининг КХДР тинчликсевар ташаббусла-рига тўсқинлик қилиш йўли билан Кореянинг парчала-нганлигини мустаҳкамлаш йў-лидаги уринишларига қар-шиллик кўрсатиш борасида биргаликдаги куч-гайратларни қучқурлаштириш му-ҳимлиги таъкидланди.

Сиёсий бюро М. С. Горба-чев ва бошқа совет раҳбар-ларининг Никарагуа Прези-

денти, Сандиночилар мил-лий-озодлик fronti миллий раҳбарлик органининг аъзо-си Д. Ортега бошчилигидаги Никарагуа делегацияси бил-ан учрашуви лқуларини муҳокама қилди. Бунда Со-вет Иттифоқи Никарагуа халқининг ўз вақтинга озод-лиги ва мустақиллиги учун олиб бораётган филокорона кураши билан бирдам жан-лиги яна тасдиқланди. АҚШ маъмурияти давлатлараро муносабатларининг ҳамма эъ-тироф этган нормаларини қўпоб ранишда поймол этиб, Никарагуа халқига қарши кенг миқёсдаги иқтисодий агрессияни амалга ошираёт-ган, давлат терроризми сиё-сатини ўтказаяётган ва шу мамлакатга қарши эълон қилинмаган урушнинг кенгай-тираётган ҳолати пайдаи Никарагуани қўллаб-қувват-лаш ва Марказий Америка-даги вазиятни сиёсий жиҳат-дан адолатли бартараф этиш

манфаати йўлидаги ҳаракат-ларни қучайтириш аҳамияти ана ҳам кўпроқ ортиб бора-ётганлиги таъкидланди. Таш-қаридан ҳеч қимнинг ҳужми-сиз ва аралашувсиз эркин демократик, мустақил ривож-ланиш йўлидаги ҳақиқий ҳимоя қи-лаётган Никарагуа билан халқаро бирдамлик айдилли-да халқлар тинчлигини, озодли-ги ва суверенитетини йўлидаги, халқаро ҳуқуқ — тартибот ва БМТ уставиининг энг асосий принципларига риоя этиш йў-лидаги муштарак курашнинг ажралмас қисмидир.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлиси-да иқтисодий ва социал сиё-сатга, социалистик ва бошқа дўст мамлакатлар билан ҳар томонлама ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга, уларнинг планетамизда тинчлик ва та-раққиёт йўлидаги актив ку-рашига оид бошқа баъзи ма-салалар кўриб чиқилди.

МУЗЕЙДА КЎРГАЗМА

Республика Фанлар акаде-мисининг Ойбек номли ўз-бекстон халқлари тарихи музейида очилган кўргазма бир неча кундан буюн мува-фақитли намоиш этилмоқ-да. Ҳар кун бу ерга таш-риф буюраётган кўплаб то-мошабиларнинг диққатини генерал Собир Раҳимов бо-шчилиги қилган ўзбек дивизия-сининг жангларда кўрсатган қахрамонликлари ҳақидаги стенд жалб этади. Бу дивизия аскарларининг жасорати-ни қўллаш учун фронтга борган Йўлдош Охунбоев ва Усмон Юсупов сингари республика партия ва ҳуку-мати бошлиқларининг жанг-чилар билан биргаликда туш-ган расмлари ҳам шу стенд-дан ўрин олган.

Э. ҚОДИРОВ.

Сўз—Галаба паради қатнашчиларига

ЯҚИНДА УЛУҒ ВАТАН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ВА ФРОНТ ОРТИДА ЖАСОРАТ КЎРСАТГАН ЎЗБЕ-КИСТОНЛИКЛАРДАН БИР ГРУППАСИ ПОЙТАХТИ-МИЗ МОСКВАГА — ГАЛАБА ПАРАДИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ЖУНАБ КЕТ ДИ. МУХБИРИМИЗ УЛАР-ДАН ҚУЙДАГИ ИНТЕРВЬЮНИ ОЛДИ.



ТАРИХИЙ ҲУҶЖАТ

ОЛИЙ БОШ ҚҶМОНДОН БУЙРУҒИ

Қизил Армия қўшинларига ва Ҳарбий-Денгиз Флотига! 1945 йил 8 майда Берлинда герман олий қўмон-донлигининг вакиллари герман қурулғи кучлари-нинг сўзсиз таслим бўлиши тўғрисидаги актин им-золадилар.

Совет халқининг немис-фашист босқинчиларига қарши олиб борган Улуғ Ватан уруши галаба билан тугалланди. Германия тамомиле тор-мор қилинди!

Қизил аскар, қизил флотчи, сержант, старшина ва армия ҳамда флот офицерлари, генерал, адми-рал ва маршал ўртоқлар, сизларни Улуғ Ватан уру-шининг ғолибона тугалланиши билан қутлайман!

Германия устидан тўла галаба қозонилганлигини ишониласиз юзасидан бутун, 9 май, Галаба кун со-ват 22 да Ватанимизнинг пойтахти Москва бу пор-лоқ галабада эришган Қизил Армиянинг шавкатли қўшинлари, Ҳарбий-Денгиз Флотининг кемалари ва қисмлари шарафига бир минг замбаракдан бир йўла ўттиз марта ўқ узиб, Ватан номидан салют беради.

Ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллиги учун олиб борилган жангларда ҳалок бўлган қаҳрамон-ларга абадий шон-шарафлар бўлсин! Яшасин ғолиб Қизил Армия ва Ҳарбий-Денгиз Флот!

(«50 йил Жанговар постда» китобида. «Ўзбекистон» нашриёти, 1982 йил).

УРУШ ВЕТЕРАНЛАРИГА УЙЛАР

ГАЛАБА байрами ара-фасида Янгйбозор посёлкиси меҳнатташлари ихтиёрига яна бир янги уй топи-рилди. Посёлканинг 39 ои-ласи янги квартираларга қў-чиб кирди. Район марказида янгича архитектура қўрни-шида барпо этилган бу бино калитларини асосан Улуғ Ва-тан уруши, меҳнат ветеран-лари, қаҳрамон оналар ои-ла-ри олдилар.

Ўзбекистон ССР қишлоқ қурилиши министри 23-трестининг буювдорлари бинони Галаба байрами ара-фасида фойдаланишга то-пи-риш учун қўп иш қилди-лар. Айниқса, Эрнабой Ҷу-лонов, Абдурашид Саменов бошчилигидаги комплекс бригадалар ва Комил Мир-салимов раҳбарлигидаги бў-ёқчилар жомбозлик кўрса-тишди. Уларнинг ҳар бири смена топириқларини 1,5—2 ҳиссадан адо этидилар.

Б. АЛИХОНОВ.



ОРДЕНЛАР ТОПШИРИЛДИ

Иван Федорович Павлов Улуғ Ватан уруши қатнаш-чиси, биринчи группа инва-лиди. Жангларда у бир неча марта оғир яраланган. Қаҳ-ратон кунларда оёқларини совуқ олган.

Орадан қирқ йил ўтди. Лекин ветеран жангчи бил-ан сўзлашсангиз тўқилла-насиэ. У уруш хотиралари, бугунги кундаги ҳаётни, ўзи-га кўрсатилаётган меҳри-

бонликлар ҳақида фахрлан-иб сўзлайди.

Яқинда Бўстонлиқ район партия комитетининг бири-чи секретари Ю. Ҳайдунов ва район ҳарбий комиссари, подполковник Б. Худойбер-гановлар биринчи даражали Ватан уруши ордени ва Га-лабанинг 40 йиллиги эсда-лиқ медалини кекса жангчи-нинг хонадонига келиб то-пи-ридилар.

Байрам арасида бўстон-лиқлик уруш ветеранлари-га жанговар орден ва эсда-лик медаллар топирилди.

А. НОСИРОВА.

ЯНА ЎША МАЙДОНДА

Бонс ЭРГАШЕВ.

Совет Иттифоқи Қаҳрамони

— Мосинада қуролдошларимиз билан учрашувлар, турли тантаналар кутмоқ-да. Улуғ байрамга тайёргарлик жара-ида мен бошчилик қилаётган уруш ве-теранлари Совет комитети Тошкент се-кретари аъзолари турли маҳалларда, тақшилот ва муассасаларда кечаларда иштирок этиб, ўз жанг хотираларини сўзлаб бердилар. Бу шунчани хотира-лар эмас, бу ўсиб келаётган ёш авлод-ни она-Ватанга муҳаббат руҳида тар-биялайдиган мардлик дарслари эди.

Ишончм комилки, биз Галаба па-радида янада катта таассуротлар бил-ан қайтамиз. Уларин жангчиларга, бизни вакил қилиб юборган республи-камиз меҳнаткашларига ҳаяжон бил-ан сўзлаймиз.

ФАХРЛАНАМАН

Антонина ХЛЕБУШКИНА, болалар уйи директори

— Халқим бошига тушган ўша оғир кунларда Галабага ҳиссасини қўшмаган ҳеч бир киши қўлмаган бўлса керак. Мен директорилик қилган болалар уйи-да ота-оналари фронтга кетган фаранд-лар тарбияланди. Уруш йилларида болалар уйи 2 минг нафардан кўп ўғил-қизини ўз бағрига олди.

Ранглар, бола-онининг эрта йўқотган, баъзилари эса ота-онасидан кудо бўл-ган гўдакларнинг тарбияси зиммасига катта масъулият юкланди. Уларнинг мурак қалблари яраланган эди. Ҳар бир гўдакка алоҳида меҳрибонлик, ало-

ҳида ғамхўрлик керак эди. Биз қўли-миздан келганини қилдик. Кийинтир-дик, қорнини тўйгаздик, билим бердик, арқаладик. Мана энди улар ҳаётдан ўз уринларини топиб олишди. Фарандла-рининг 1600 нафари олий маълумотли бўлиб етишди.

Мана бугун мен Москвага — Галаба парадида кетяман. Байрам арасидаги ўзим катта қилган меҳрибонларимдан каллаб табриқномалар олдим. Уларни ўқиб янада ҳаяжонли. Собир тарбия-ланувчиларим, менга «азимиз», «қадардо-ним», «онатим» деб мурожаат этиш-ганди...

БИЗ ҲАҚ ЭДИК

Мўмин САЛОМОВ, «Шуҳрат» орденининг тўла кавалери

— Сафар тарафдудидамиз. Атрофга қарайми. Кўксини орден ва медаллар беэаган уруш ветеранлари, фронт орти-да туриб меҳнат қилган жасоратли ки-шилари кўриб фахрланиб кетаман.

Биз юртимизга, муҳаддас тулпоғи-мизга хиёнаткорона кириб келган бос-қинчилар билан жанг қилдик. Ҳақиқат, адолат биз тарафда эди. Биз ҳақ эдик. Шунинг учун ҳам Галаба қозондик.

Урушни эсламасликка ҳаракат қила-ман. Лекин ҳеч бўлмайдиган. Кўз ўнгимда ўша йиллар ташвор ва тақдор гавдалана-веради. Мен айниқса 1945 йил Галаба кунини ҳаяжон билан ёдга оламан. Уруш тугаганини эшитган қуролдошларим кўз ёшларини тий олишмасди.

Сафар олдидаи ҳаёқчишларим мени Москвага кузатишар экан, ўзга юрт-ларни мангу макон қилган жангчилари-миз қабрига гулдастлар қўйишимни илтимос қилишди. Мен уларнинг бу ил-тимосларини жон-дил билан бажара-ман.

ТОШКЕНТДАН ЖЎНАТИЛГАН



УЛУҒ ВАТАН уруши мамлакатимизнинг Европа қисмида жойлашган қўллаб қорхоналарни Шарққа, шу жумладан, юздан ортиқ за-вод ва фабрикаларни Ўзе-кистонга қўчириб келтириш-ни тақозо этди.

Эвакуация қилинган кор-хоналар ичинда Ленинград тўғимачилик машинасоз-лик заводи, Ростов қишлоқ кўчаллиги машинасозлиги заводи, Днепротетровск нар-борунд заводи, Москваинг «Электротехника», «Элек-трокабель», «Подъёмник», авиация заводлари ва бошқа корхоналар бор эди.

Маъмур корхоналарни жой-лаштириш учун қиска му-дат ичиде 400 минг квадрат метр майдон ажратилди ва 200 минг квадрат метрдан зиёд ишлаб чиқариш участ-калари барпо этилди. «Рос-сельмаш» (ҳозирги «Таш-текстильмаш») ҳам 1941 йилда Ўзбекистонга келти-рилган корхоналарнинг би-ри эди.

1941 йилда Ростов шах-ридан эвакуация қилинган корхонанинг барча асбоб-ус-куналари эшелонга ортилган бўлса-да, лекин уларнинг ҳаммаси ҳам Тошкентга етиб келмади. Айримлари

йўлда душман бомбардиро-нига учради.

Ростов-Донда ташкил этил-ган эшелон-қурилмалар ин-женер-техник қодимлар бил-ан биргаликда 1941 йил-нинг кеч қуянда Тошкентга етиб келди. «Ростсельмаш»-нинг 8 минг ишчилик кол-лективни худудин билан Тош-кентда янги завод ташкил этиб, фронт учун энг зарур қурул-яроғ ва ўқ-дорилар ишлаб чиқариши талаб эти-ларди.

Тошкентда янги корхона-ни барпо этишда маҳаллий аҳоли ростовликларга яқин-дан ёрдам берди. Бир кеча-кундузда технологлар, конструкторлар ва цех бо-шлиқлари — А. В. Красни-ченко, А. В. Мишин, Е. И. Глушченко, М. С. Готлиб, И. П. Рибалко, А. С. Сле-сарев, Н. А. Бондаренко ва бошқалар станок ва дастҳо-ларни ўрнатиш технологик планини ишлаб чиқдилар.

Кўп ўтмай — 1941 йил-нинг ноябрь ойи ўрталарига келиб маъмулотларнинг даст-лабки партияси фронтга жу-натилди. Яна бир ой ўтгач эса ҳар кун сурункасига эшелонларда ҳарбий қурул-яроғлар фронт томон йўл оладиган бўлиб қолди.

Ростов-Дондан эвакуация қилинган корхона шу тари-қа ўттиз уч кун дегандаиш-га тушиб, фронт учун ҳиз-мат қила бошладилар. Бу ўша неэларда Ўзбекистон меҳнат-кашлари фронт ортида кўр-сатган қахрамонлигининг бир уққунини эди, холос...

М. МИРАЛИМОВ.



ҚУТЛАШ

Янгибозор маданият уйида совет ҳақиқатининг немис фашизми устидан қозонган Ғалабасининг 40 йиллигига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Аввалига йигилиш қатнашчилари, шу жумладан ветеранлар, ёшлар маданият уйи хиббонига дахлат кўчатлари, гуллар ўтказилди.

Адабий-бадний қисми Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси, ҳаваскор хонанда Иноят Эгамбердиев ўз оилавий ансамбли билан бошлаб берди. У ўзининг 1943 йили «Фронт ҳақиқати» газетасида босилиб чиққан «Жангчи мактуби», шунингдек, бир қатор қўшиқларини ижро этди. Шундан кейин ветеранлардан Малик Одилов, Талғат Воҳидовлар ҳам ўз қўшиқлари билан кўпчилиكنи қўшнуд этишти. Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Эркабой Рўзиев фронт хотираларидан ҳикоя қилиб берди.

Район маданият уйи хузуридаги Ойбек номидаги ижодкорлар клубининг аъзолари Абдуназар Эгамназаров, Собир ўрмонов, Файзулла Муҳаммадов, Мавжуда Абдуқодирова ва бошқалар Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган кўнрақлар ижро этишти. Шетлардан ўқиб беришди. Кеча сўнггида ветеранлар ҳамда бу тадбирнинг актив қатнашчиларига Коммунистик район маданият бўлимининг фахрий ерлиги ҳамда эсдалик совгалари топширилди.

Ҳ. САЪДУЛЛАЕВ.



ЗАФАР БАЙРОҒИ

НАЗАРМАТ,

Улуғ Ватан уруши қатнашчиси

Еддадир шинелли, бўронли йиллар,
Еддадир жангларда йиқилган дўстлар,
Еддадир ёв бошини тарс ёрган беллар,
Еддадир тўп ўтини чақирган постлар...

Еддадир қор-қўрпа, уй бўлиб ўрмон,
Мардликка чақирган оловли киргоқ.
Еддадир лоладай қирғизни алвон,—
Рейхстаг устига тикланган байроқ.

Еддадир ҳиллаб, ранги зарҳали,
Фарзандлар қонига бўлган байроқ,
Ўқлардан тешилиб ҳужум маҳали,
Шиддатли жангларга чорлаган байроқ.

Шу байроқ ҳиллаб қадим Волганинг
Метин соҳилида мажмақланди ёв.

Шу байроқ нур сочиб разил
душманининг,
Жирканч қалъасига кетди ўт-олов.

Волгадан Эльбага элган узоқ йўл,
У байроқ рангида нур сочиб турар,
Фашистлар зулмидан озод бўлганлар
У тугда ўз бахту нқболини кўрар.

Сарҳада туну кун диёр тинчлигини
Сергак кўридлаган ҳар содиқ посбон,
Ғалаба байроғини шону шухрати
Ғурур-ла муҳаддас сақлайди ҳар он.

ВETERANЛАР ДАВРАСИДА

СИЗГА ШАРАФ, СИЗГА ШОН!

Қўксини ўнлаб жанговар ордени ва медаллар беэаб турган кекса фронтчилар даврага кириб келишди. Уларни бир гуруҳ пионер ва ўқувчилар салот бериб, гулдасталар билан қарши олдилар. Атрофда байрамона руҳ ҳукмрон. «Ҳеч ким, ҳеч нарса, ҳеч қачон унутилмайд!» деган шior кўзга ташланади.

Сафдошлари қаторидан жой олаётган Самихон аканинг ёнига яқинлашганимизда унинг ҳаяжонланаётганини шундоқ сезилиб турарди. Ким билсин, кўз ўнгидда оловли йилларнинг унутилмас, муҳим дақиқалари гавдаланаётган бўлса аяб эмас.

...1943 йилнинг июли. Бу кунларни Самихон ака асло унутмайди. Ҳар бир қарич тупроқ учун шиддатли жанглар борарди. Қўмондонлик томонидан ёш капитан жанг қилаётган батальонга муҳим топшириқ — Прохоровна станциясини қўлдан чиқармаслик вазифаси юклатилган.

Жангчилар ўз бурчларини шараф билан оқладилар. Нечани-кеча, кундузи-кундуз демай душманга зарба берди. Самихон ака аса шу жангларда ўлим билан тик олишиб, ўт ичида қолган ва оғир яраланган ўнлаб жангчиларнинг ҳаётини сақлаб қолди.

Қурсак остоналарида олиб борилган бу қанчалик жангларда душман катта талфат қўриб, орқага чекинди. С. Валиев Сталинград Вoрoшнoвoград сингари ўнлаб шаҳарларни озод этишда қатнашиб, Буюк Ғалабани Германиянинг Штиген шаҳрида қарши олди.

Қиял Юлдуз, I ва II даражали Ватан уруши ордени, Ленин ордени полковник Самихон ака Валиевнинг тақдирини ўқшаб тақдирлар даврада кўлаб топилди: Завжад Ибрагимов, Муртоз

Хўжаев, Тоир Орипов, Вали Муҳамедов ва Ҳабибулла Тўйчиев сингари собиқ фронтчилар давра тўрида утиришибди.

Пойтахтимизнинг Октябрь районидagi 55-ЖЗУ коллектив ва «Марказ-14» массивти томонидан кўни-кеча ўтказилган набатдаги учрашув ҳам Улуғ Ватан уруши ветеранларини шарафлашга бағишланди. Учрашувда масивда истиқомат қилаётган 90 га яқин Улуғ Ватан уруши қатнашчилари иштирок этишди.

Учрашувни маҳалла комитети раиси Тоҳир Муслимов кириш сўзи билан очди. Собиқ жангчилар кўрсатган қасридонликлар ва уларнинг тинч қурилиш даврида бунёдкорлик ишларига қўшган ҳиссалари ҳақида тўқинлалиб гапирди. Шундан сўнг сўзга чиққан Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, Октябрь район партия комиссиеси раиси Ғайбулла Назармаев, район ҳарбий комиссариати вакили Раҳмонбедр Муслимов, бошқа ўртоқлар Ғалабанинг тарихий аҳамияти ва жанг хотиралари ҳақида гапириб ёшларни ўз Ватанларини севишга, оталар жасоратига содиқ бўлишга чақирдилар.

Ветеранларни хушнуд этиш учун келган «Баҳор» раис ансамбли рақсга қизлар, Ўзбекистон ССР халқ артисти Маъмура Эргашева, шунингдек, Гулчехра Фозилова, Уғилрой Муҳамедова, таниқли хонанда Ғуломжон Ёқубов, Аҳмаджон Шукуров ва бошқалар энг яхши номерларини кеча қатнашчиларига бағишладилар.

Учрашув сўнгига Улуғ Ватан уруши ветеранларига маҳалла комитети ва ЖЗУ коллектив томонидан тайёрланган эсдалик совгалари топширилди.

Р. АҲМАДАЛИЕВ.

ЖАНГОВАР ҚУШИҚЛАР ЯНГРАДИ

ОҚҚЎРҒОН

Район марказидagi С. Сегибозов номи ўрта мактаб мажлислар зали яқинда жанговар шеър ва қўшиқлар икломсманлари билан гавжум бўлди. Бу ерга жангчи шоирлардан Назармат ва Султон Акбарий меҳмон бўлиб келишган эди.

Кечада мактаб директори О. Набиев жангчи шоирларнинг ижоди ва жанговар йўли ҳақида ўқувчиларга гапириб берди. Шундан сўнг шоирлар уруш йилларида ёзган шеърларидан, ўқувчилар эса улар ижодидан намуналар ўқиб бердилар. Бадиий ҳаваскорлик коллектив ижросида жанговар қўшиқлар янгради.

Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги олдидан уюштирилган кеча ёшларда катта таассурот қолдирди.

Акмал Икромов районидagi Ҳабиб Абдуллаев номи маҳаллада кўлаб кишилар Улуғ Ватан уруши, озодлик урушида қатнашиб кўрақларда ордени ва медаллар билан қайтишди. Суратда: собиқ жангчилар (чапдан ўнга) М. Тўраев, Ф. Толибов, М. Миробидов, Қ. Саломов, С. Солиқов ва Ғ. Аҳмедов ўртоқлар.

М. Нуриддинов фотоси.



Уша муҳиш уруш йилларида фронтлардаги аҳвол ниҳоятда оғир бўлганидан кўпгина госпиталларни мамлакат ичкарисига олиш тўғрисида кўрсатма берилди. Қисқа вақт ичида Тошкентда ва республикамизнинг бошқа йirik шаҳарларида энг қўлай бинолар госпиталь учун амратилди. Бу давлат шифохоналари зарур медицина техникаси ва дори-дармонлар билан тўла татминланди. Тошкент медицина институтини ҳамда қатор шифохоналарнинг малакали кадрлари уларга жалб этилди. Барча фронтлардан келган оғир ярадорларни даволаш ва яна сафга қайтаришда С. М. Киров номидаги ҳарбий-медицина академиясининг академиги В. Аничков, В. Осипов, В. Войчек сингари машҳур шифокорлари билан бир сафда ўзбекистонлик А. Акбаров, Р. Қайомов, А. Ворзенов, Б. Ҳошимов каби етук мутахассислар, Е. Саидова, Х. Тўхтамуродов сингари ўрта медицина ходимлари жонбозлик кўрсатдилар.

Суронли йилларнинг дастлабки ойларидаёқ Тошкентга эвакуация қилинган ака-

демик В. И. Филатов номидаги кўз касалликлари госпитали нажоткорлари урушда кўриш қобилиятини йўқотган неча кўзлаб беморларга оламини яна қайта мунавабар этилди. Ана шу шифокорлар орасида И. Расулов, М. Исахон, С. Муҳамедов, Р. Фархадий, А. Умарова, Р.

ни ҳис қилиб турди. Бу шифохоналарда 143 мингдан зиёд жангчи ўз даридига нажот топиб яна армия сафига қайтди.

Шифокорлар оғир кунларда туну-кун мижага қўмай хизмат қилишарди. Госпиталларда ярадорлар дардига малҳам бўлишдан таш-

кари, кўпгина ташкилий ишлар ҳам врачлар зиммасига тушди. Улар аҳоли орасида донорлик ҳаракатини кенг йўлга қўйишди. Ўзбекистонда 30 минг донор тайёрлаб берган 13 тонна қон қанчадан қанча ярадорларни ўлим чагалидан кутқариб қолди.

Тошкентда дастлаб ташкил этилган йirik госпиталлар базасида ана ўнлаб кўча кичик госпиталлар у-

дан кейин мулкжалланган жойга етиб бориб, уни ўрнатилди.

Душман пулемёт ва миномётларини баралла ишга солиб, бизни қарши олди. Яна жанг бошланди. Жанг бўлганда ҳам ниҳоятда оғир бўлди, кўл жанг қилиб кетди. Найза, пичоқ, ҳатто мушт ишга тушди. Ғарб осмонда қизғин алағга кўтарилди. Ғани газлабаниб: «Фашистлар қишлоққа ўт қўймоқда» деди.

Биз томонга чапдан яқинлашиб келаётган танкини Ға-

ни нишонга олиб, ПТР тепкисини босди. Танк турган жойида чайқалиб тўхтади-да, бурқсиб алағга кўтарилди. Шу пайт яқинимизга тушиб портлаган мина парчаси Ғанини сафдан чиқарди.

Тонг отарга яқин қишлоқ атагидида саватли қайин тағига Ғани Муротовни дағи қилдик... Қўролдош дўстимнинг кўтлуг қони тўнйилган тупроқдан бир қафтини олганман, деб сўхбатдошим ҳикоясини тутатди.

Мен унга Ғани Муротов билан пиеда аскарлар ўқув юртида кўролдош бўлгани

жудга келди. Совет жангчилари Ғарбга томон дадил силжиган сари бу госпиталлар жойи ҳам ўзгариб борди. Уларнинг кўпи фронтга яқин устакларга кўчиб ўтди.


Фронт линияларига қўчирилган госпиталларда ҳам Ўзбекистонлик шифокорлар зинаамига фидокорлик кўрсатиб ишладилар. Бугунги кунда номлари биргина республикамизда эмас, мамлакатимизда ҳам танилган машҳур шифокорлар М. Ашрапов, Н. Шоматов, А. Саидхмедов, О. Шокиров, А. Воҳидова, П. Залыман, С. Аъзамхўжаев, Н. Аҳмедов, Б. Акбаровларнинг шонли йўли ёшлар учун ибратлидир. Улар бевосита оловли жанглар бораётган позицияларда, бомбарла ларзасидан, ўқлар ёмиридан дахлпат келган суронли устакларда беморлар жонига-жон ушладилар.

И. УГОДИНА, истеъфодаги медицина хизмати катта лейтенанти, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министриги даволаш бош бошқармасининг инспектор врач.

миз, сўнг Орёл шаҳридан немис-фашистларни қувиб чиқаришда қатнашганимиз, унинг ота-ониси Тошкентнинг Тахтабул кўчасида турниш тўғрисида гапирётганимизда, у: «Тўхта, тўхта, ҳа, эсладим, у Тошкентдан эди», деб, кейин мени бағрига босди. Солдат қочганидан ахтариб, кичик оқ туғуқчанни олди, менга уқ туғуқчанни олди, бу Ғани мангу бош қўйган муқаддас тупроқдан, уни эҳтиёт қил! Агар омон қолсанг, уруш тугагач, ота-онасига етказасан. Шу маънада юрагимга туғиб қўйгандим... деди у.

Мен туғунчани ола туриб: «Ох, фидокор дўстим!» деб қандай бақириб юборганимни билмай қолдим. Начора, уруш-уруш-да!

ПОРЛОҚ ХОТИРАЛАРИ ЎЧМАГАЙ АСЛО



И. МУНАЕВ.

СЎНМАС У ЙИЛЛАР ШУҲРАТИ

● ТОШКЕНТ районидagi сабзавот-полдз экинлари ва картошқачилик илмий-текшириш институтини территориясида Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланиб Ғалаба хиббони ташкил этилди. Институтнинг комсомол-ёшлари ана шу хиббон парварининг ўз оталиқларига олдилар.

Р. АБДУЛЛАЕВ. ОБЛАСТЬ ўқитувчилар малакасини ошириш институтида тасвирий санъат тўғрисидаги қатнашувчи мактаб ўқувчилари, студентларнинг ижодий кўргазмаси очилди. У Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган-дир. Кўргазмада ёш рассомларнинг турли жанрларда

яратилган 120 дан ортиқ асарлари кўйилган.

Б. ТОҶИЕВ. КОММУНИСТИК районидagi 26-мактабда «Қизил изтопарлар» отряди тузилган. Улар Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги олдидан жуда катта қийрини ишларини олиб боришлар ва йиқилган материаллар асосида «Шон-шухрат музейи»ни ташкил этдилар. Қўни кеча Улуғ Ватан уруши қатнашчилари билан мактаб ўқувчиларининг учрашуви бўлиб ўтди. Собиқ жангчилар ўчмас уруш хотираларидан ёшларга сўзлаб беришди, учрашув сўнггида ўқувчилар концерт кўрсатдилар.

Л. МАНСУРОВ.



Областимиз ҳамма шаҳар ва районларида урушдан қайтмаган жангчилар хотирасига ёдгорликлар ўрнатилган. Суратларда: Чирчиқ шаҳри, Чиноз, Ғалаба районлари ва Янгийўл шаҳрида ёдгорликларни қўриб турибсиз.

А. Абалия фотолари.



